O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 26 апрель, № 81 (4234) Пайшанба

МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ



Президент Ислом Каримов 25 апрель куни пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.



Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга ушбу воқеа жаҳон ҳамжамияти ҳамда юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Президент Ислом Каримов бу воқеага "Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи", деб таъриф берди.

Диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ сифатида хизмат қилаётган Ҳазрати Имом мажмуасини шу пайтгача асосан пастқам иморатлар қуршаб турар, унга элтадиган кўчалар бугунги талабларга жавоб бермас эди.

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мамлакатимиз пойтахтида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган ана шу қутлуғ қадамжонинг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилнинг ноябрь ойидан бу ерда кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бугун гўзал қиёфа касб этган ушбу гўшани таниш қийин.

Ислом Каримов, даставвал, Ҳазрати Имом меъморий мажмуасининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечирди.

Президентимизнинг шу йил 20 февраль куни қабул қилинган "Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарорида халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган мазкур меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб берилган.

Қарийб 9,5 гектар майдонни эгаллаган Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси олдидан ўтадиган Кайковус ариғи тубдан таъмирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги биноси замонавий кўриниши билан кўзни қувнатади.

Ислом Каримов қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланаётган кутубхонани кўздан кечирди. Мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, кутубхона ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

— Бу ердаги нодир ва қадимий китобларга бепарво, юзаки қараш мумкин эмас, — деди Президентимиз.

Юртбошимиз мажлислар зали ва иш хоналарини жиҳозлаш, илғор техникадан, бошқариш ускуналари ва коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш масаласига эътиборни қаратди.

Мажмуага туташ ҳудудда "Истиқлол" маҳалла маркази биноси қад ростлаган. Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

— Маънавий қадриятларсиз, асрлар давомида шаклланган имон-эътиқодидан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, тараққий этмайди. Юртдошларимиз ўзларини Ватанимизда, жумладан, мана шу масканда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг оддий кузатувчилари эмас, балки ташаббускори ва иштирокчилари сифатида ҳис этишлари муҳим, — деди Юртбошимиз.

Бугун наинки Ҳазрати Имом меъморий мажмуи улкан қурилиш майдонига айланган, айни чоғда мажмуа таркибидаги Каффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидаларда ҳам иш қизғин.

Ҳазрати Имом мажмуидаги объектларни таъмирлаш ва бу ерда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш бўйича кўзда тутилган ишлар тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз бу ердаги ишлар билан танишиш асносида, ёдгорликлар пештоқидаги нақшларнинг асл ҳолини тиклаш, айниқса, қадимий ёзувларни тиклашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов мажмуада сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бўлган Усмон Қуръонини кўрар экан, унинг юртимизга буюк бобокалонимиз Амир Темур томонидан олиб келинганлигига эътиборни қаратди.

Мажмуада Президентимизнинг ташаббуси билан қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид қад ростламоқда. Ушбу бетакрор иншоот нафақат пойтахтимиз, балки бутун юртимиздаги энг йирик масжид бўлади.

Президентимиз иншоотнинг қурилиши, унда шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг юртдошларимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Ушбу жамғармага тушаётган маблағ мана шу мажмуани ободлаштиришга, янги масжид қурилишига сарфланмоқда.

Ҳа, миллий қадриятларимизни, аньана ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари истиқлол берган имкониятларнинг ёрқин намуналаридандир.

Гулом МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбирлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 апрель куни Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюрди.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Ельцин вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди. Юксак ақл-заковат ва бой тажриба соҳиби, янги мустақил Россияда давлатчиликни тиклаш ишларининг асосчиси бўлган Борис Ельцин 23 апрель куни юрак қон-томир хасталигининг кучайиши оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Президент Ислом Каримов Таъзия китобига чуқур ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди. Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин билан суҳбатда Ўзбекистон Россия билан ҳамиша елкадош бўлиб келганини, бугун ҳам унинг қайғусига шерик эканлигини таъкидлади.

(ЎзА).

Украина Бош вазири Виктор Янукович 25 апрель куни амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

УКРАИНА БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ташрифнинг асосий воқеалари 26 апрель куни бўлиб ўтади. Юқори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон-Украина муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш кутилмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **186-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**186-модда. Ховфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш**»;

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи ховфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар бадданга ўртача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **186¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) қуйидаги мазмундаги **186²-модда** билан тўлдирилсин:

«**186²-модда. Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш**

Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда) **345-моддасининг иккинчи қисми** «186¹» рақамидан кейин «186²» рақами билан тўлдирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 25 апрель
№ ЎРҚ – 93

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилги ҳисоботини эшитдилар. Ушбу масала бўйича Ҳисоб палатасининг раиси Б.Мусаев сўзга чиқди. Маърузачи таъкидладики, ўтган йили Ҳисоб палатаси бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёнларини ўрганиш мақсадида даромадларнинг тўлиқ шакллантирилишини ҳамда мамлакатнинг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари маблағлари сарфланишининг асослилигини таҳлил қилди.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси аниқланган молиявий қоидабузарликларга ҳуқуқий баҳо бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан, давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарарлар суммаларини бюджет даромадига ундириш борасида эса Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликни амалга оширди.

Давлат бюджетининг Умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ривожлантириш давлат дастурларини рўёбга чиқариш харажатларини, Давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари маблағларини сарфлаш самарадорлигини ўрганиш, шунингдек мамлакатнинг шаҳарни ташкил этувчи саноат корхоналарининг валюта маблағларидан оқилона фойдаланиши устидан назорат қилиш 2006 йилда Ҳисоб палатаси назорат тадбирларининг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари тўлиқ шакллантирилишини ва маблағлари сарфланиши самарадорлигини, шунингдек бюджетлараро муносабат-

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Университетда ахборот-ресурс маркази

Президентимизнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида Самарқанд давлат университетида 2-ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилди.

■ Шаҳар марказий кутубхонасининг Сартепа мавзесидаги филиали негизида ташкил этилган ушбу марказ Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Каттақўрғон ва Самарқанд туманларидаги 15 та кутубхонани ўзида бирлаштиради.

Эллик мингдан зиёд китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази эндиликда ҳудуддаги саккизта маҳалла аҳли, иккита умумтаълим мактаби, шунингдек, Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига хизмат кўрсатмоқда.

Янги биолаборатория

Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманида қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши кураш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

■ Ҳозиргача тумандаги ягона биолабораторияда қишлоқ хўжалиги учун фойдали ҳашаротлар етиштирилар эди. Тумандаги "Бердақ" овул фуқаролар йиғини марказий қўрғонида яна бир биолаборатория ишга туширилди.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган ушбу биолабораторияда бу йилги мавсумда уч ярим миллион дона олтинкўз, 3 миллион габробракон, ўн килограммга яқин трихограмма тайёрланиб, хўжаликларга етказиб берилади.

Биолаборатория Чимбой ва Тахтакўпир туманлари фермер хўжаликларига ҳам хизмат кўрсатади.

«Авангард»нинг полиэтилен қувурлари

Пахтачи туманидаги «Авангард» хусусий корхонасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

■ Хомашё «Шўртангаз» корхонасидан келтирилаётир. Чиқиндилар — полиэтилен плёнкалар, пластмасса буюмлар ҳам бу ерда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда.

Ҳамкорлик тўғрисида Меморандум

Кеча пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «ЛУКОЙЛ Оверсиз» компанияси ўртасида иқтисодий, гуманитар фаолият, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва шаҳарнинг ижтимоий тараққиётини ошириш юзасидан узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича Меморандум имзоланди.

■ Тадбир доирасида томонлар тажрибалар алмашиш, ҳамкорликда истиқболли учрашувлар ташкил этиш ва яна бир неча масалаларни биргаликда муҳокама этишга келишиб олдилар.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Навоий томонларда

"Imkoniyat" ёшлар хизматида

Навоий шаҳрида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони яна биттага кўпайди.

■ "Imkoniyat" деб номланган янги уюшма шаҳардаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ташаббуси билан ташкил этилди. У ёшларнинг вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролини ошириш, талабалар муаммоларини ҳал этиш ишлари билан шуғулланади.

Кўкаламзорлаштириш ойлиги

Қизилқум бағрида жойлашган Томди тумани овулларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги қизғин давом этмоқда.

■ Ҳозиргача томдиликлар ҳашар йўли билан ариқ-зовурларни тозалаб, олти мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гул ниҳолларини ўтказишди. Шунингдек, кўплаб маъмурий бинолар таъмирланди. Бу тадбирларни 1 майга қадар давом эттириш кўзда тутилган.

Болалар спартакиадаси

Навоийда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган хайрли тадбир амалга оширилди. Бу ерда илк маротаба болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларининг республика спартакиадаси бўлиб ўтди.

■ Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 80 нафар ёш спортчи шахмат, стол теннниси, армрестлинг бўйича куч синашдилар. Ўтказилган беллашувлар натижасига кўра навоийлик ёшлар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Умумжамоа ҳисобида бухороликлар иккинчи, жиззахликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Жамолиддин ТЎХТАШЕВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларнинг тўғри амалга оширилишини ўрганиш мақсадида Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида Ҳисоб палатаси томонидан текширувлар ўтказилди.

Назорат тадбирлари натижалари бўйича Давлат бюджети даромадларига қўшимча захиралар қидириб топиш, молиявий қоидабузарликларга барҳам бериш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳисоб палатаси текширувларининг жиноят таркиби белгиларига эга бўлган материаллара тегишли мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура органларига топширилди.

Текширувлар ўтказилган вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг номига молиявий қоидабузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш учун Ҳисоб палатасининг 27та кўрсатмаси юборилган бўлиб, уларда камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги талаблар билан бир қаторда Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Савол-жавоблардан кейин ҳисобот батафсил муҳокама қилиниб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар Ҳисоб палатаси бюджет ва бюджетдан ташқари даромадларни шакллантириш, бюджет харажатларини молиялаштириш, ташқи савдо айланмасининг тузилиши ва ҳолати устидан назорат қилиш борасида катта иш қилганлигини таъкидладилар. Шу билан бирга депутатлар иқтисодиётнинг базавий тармоқларида молиявий назоратни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилги ҳисоботини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

(ЎзА).

БАДИИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Ўзбекистон тасвирий санъати ҳафталиги» якунланди. Ҳафталик якунларига бағишланган тадбирда мусаввирлар, уста ва ҳунармандлар, санъатшунослар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари, талабалар ҳамда хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

■ Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ устаси Абдуғани Абдуллаев, Бадиий академия раиси ўринбосари Равшан Миртожиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий санъатимиз мактабларининг ноёб анъаналарини асраб-авайлаш, бойитиш, янада равнақ топтириш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатимиз дурдоналарини дунё миқёсида тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Нафақат пойтахтимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ҳам муваффақиятли ўтказилган «Ўзбекистон тасвирий санъати ҳафталиги» доирасида бир ҳафта мобайнида моҳир мусаввирлар, санъатшунос олимлар, ҳунармандлар ва усталар иштирокида халқимизнинг бой бадиий мероси, жаҳон санъатидаги ўрни, тараққиёт босқичлари ва замонавий йўналишларига бағишланган илмий анжуманлар, учрашувлар, маҳорат сабоқлари, «Маънавият дарслари» ташкил этилди.

Тадбир якунида Абдуҳаким Каримов, Акмал Умаров, Чори Бекмиров, Эркин Жамолов, Елена Комарова, Маҳмуджон Мамажонов, Маҳфуза Салимова, Мамадали Ҳамроев, Вера Чурсина, Расулжон Мираҳмедов, Равшан Исматуллаев, Аҳмад Исмоилов, Абдуманнон Юсупов, Алишер Алиқулов сингари рассом, уста ва ҳунармандларга «Ўзбекистон тасвирий санъати ҳафталиги» ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган вазифалар муҳокама қилинди.

СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Маълумки, Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги қарздорликни қисқартириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ҳудудий солиқ органлари томонидан бу борада камчиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Бюджетга тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ҳайъат йиғилишида, шунингдек, Президентимизнинг "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида"ги, "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Бу борада бир қатор вилоятлар солиқ идоралари бу йўналишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги қайд этилиб, бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган солиқ идоралари 34 нафар раҳбар ходимига нисбатан интизомий чоралар қўлланилди.

Ҳайъат йиғилишида белгиланган вазифаларнинг бажарилишига қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

ДСҚ Ахборот хизмати.



Даврон АҲМАД олган сурат.

Табиат ўз сепини чор-атрофга ёйган шу баҳор кунларида Бўстонлиқ тумани чиройига қараб тўймайсиз. Ана шу кўркам туманнинг файзли қишлоқларидан бири Чинор деб аталади. Бу сўлим гўшага гўзаллик бахш этган фақат табиат эмас, қўли гул, бунёдкор одамларнинг Ватанга меҳри ҳам. Чинорнинг оддий хонадонларидан бирида Тоҳир ота ҚОБИЛОВ деган оқсоқол яшайди. Бутун ҳаётини ерга боғлаган инсонлар билан ҳамнафас ўтказган меҳри дарё отахон, очиғи, эзмаликни ёқтирмайди. Дангал, чўрткесар. Гап сўрасангиз, айлантириб ўтирмайди, кўнглидагини айтиб қўя қолади. Сиз ҳам эшитиб кўринг-а.

МЕҲНАТ БИЛАН ГЎЗАЛДИР ДУНЁ

Дил изҳори

— Ҳорманг энди, оқсоқол. Шунча йиллик умргузаронлик асносида дилингизда қандай фикрлар туғилди?

— Меҳнат фаолиятимни бошлаганимга эллик йил бўлган бўлса, мен англаб етган ҳақиқат шулки, бу дунёда яхшилик беиз кетмас экан.

— Яхшилик ҳамманинг ҳам қўлидан келадими?

— Кимки бир бурда нонни ҳалол меҳнати билан топса, ҳаёти давомида қийинчиликни бошидан кечирган бўлса, атрофдагиларнинг қадрига етади. Қўшиқда куйланганидек, арининг заҳрини тотмаган болнинг қадрини на билсин...

— Ватан туйғуси ҳақида нима дейсиз?

— Мен киндик қони томган Ватандан айрилиқда яшаб, истиқлол туфайли Ўзбекистонга келган инсоннинг суҳбатини олганман. Шу одам каттадан-кичикка бирдай "Сизлар бахтлисизлар, лекин ўзларинг буни етарли англамайсизлар" дея кўзда ёш билан дил изҳорини баён қилганди. Ўшанда мен бу одамни кўпроқ ёшлар билан учраштирайлик, дедим.

— Айрим кишилар бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан нолигандай бўлишади...

— Сиз шуларнинг гапини гап деб юрибсизми? Ундайларни кўрсам қоним қайнаб кетади. Ҳой, кўзингни очсангчи... Даромад топишнинг минг хил имконияти яратиб қўйилган-ку. Фақат рақобат майдонида жон қойитиш керак. Аввалари оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрган кимсалардан бу гап чиқиши мумкин.

— Руслан Чагаевнинг ғалабасини қандай қабул қилдингиз?

— Эҳ-ҳе, Бўстонликда байрам бўлиб кетди. Ҳазилми, Ер юзидаги энг кучли боксёр бизнинг Ўзбекистонимиздан чиқса! Бундай паҳлавонлар бизда аввалдан бўлган, фақат уларга йўл беришмаган. Ана шу имкониятни Президентимиз, истиқлол яратди.

— Сизнингча, инсон учун энг катта бойлик нима?

— Энг катта бойлик — тинчлик, осойишталик. Дунёнинг турли бурчакларида қандай балою офатлар, нотинчликлар ҳукм сураётганини ойнаи жаҳонда кўриб турибмиз. Нуронийлар эъзозда, ёшлар яратувчилик ишлари билан банд юртимизнинг бахтига асло кўз тегмасин. Ҳар бир хонадон, маҳалла, қишлоқ ва шаҳар Ватанимизнинг бир парчаси. Шу заминда эзгу ишлар билан дунё халқлари олдида юзимиз ёруғ бўлсин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ
суҳбатлашди.

Ҳуқуқ

Таъкидлаш жоизки, хўжалик шартномалари ролини оширишда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат билан хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнларида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинади. Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда давлат бошқарув органлари, прокуратура ва адлия органларининг шартномавий муносабатларга оид ҳамда хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатлари алоҳида моддаларда мустаҳкамлаб қўйилган.

ШАРТНОМА — ЛАФЗ ДЕГАНИ

Кўпчилик яхши эслайди, илгарилари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва тайёрловчи ўртасидаги муносабатлар марказлаштирилган тарзда белгиланадиган давлат харид режалари, турли мажбуриятлар билан тартибга солинарди. Бу тадбир ҳам номигагина контрактация шартномаси тарзида расмийлаштириларди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг ҳукуматимиз томонидан олиб борилган оқилона сиёсат туфайли ушбу масала ҳам ижобий ечимига эга бўлди. Яъни, ҳозир хўжаликлар чорва, сабзавот, полиз, боғ ва узумчилик маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш, алмаштириш ва бошқа тарзда фойдаланишда эркинликка эга бўлишяпти. Контрактация шартномаларини тузиш ва унда кўрсатилган мажбуриятларни бажариш юзасидан доимий назорат олиб борилаяпти. Бу тадбирларнинг қай даражада самара бераётганини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг нафақат ҳажми, балки сифати ҳам яхшиланиб бораётганидан билиш мумкин. Бироқ, яратилган эркин шароитларга қарамай баъзи ҳолларда шартномаларни тузиш ҳамда уни бажаришда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Бухоро туманида 2006 йилда 5 та ширкат хўжалиги билан 6093 тонна, 576 та фермер хўжалиги билан эса 30907 тонна "оқ олтин" етказиб бериш бўйича контрактация шартномалари тузилган эди. Пахта йиғим-терими мавсуми охирига қадар давлат буюртмаси 104,40 фоизга (38625 тонна) адо этилган бўлса-да, айрим ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан контрактация шартномалари бажарилмай қолди.

Жумладан, тумандаги "Рохида Бозорова", "Умидим лоласи", "Ал Ражаб Бухорий", "Руқиямомо", "Толиб Соли", "Хайриддин Шоҳбек", "Дилшод Эшонов", "Ҳамро Ҳикмат Неъматобод", "Шуҳрат Шавкат Жўрабек", "Шоҳинабону Ферузбек", "Ал Замон Дўст", "Файзулло Фурқат Фитрат" ва бошқа, жами 30 та хўжаликда ана шундай салбий ҳолат кузатилди. Натижада 827,8 тонна саноат хомашёси қайта ишлаш корхонасига топширилмади. Бу нафақат пахта етиштирувчиларнинг ўзига, балки хомашёни қайта ишловчи корхоналарга ҳам зарар келтирди.

Масалан, тумандаги "Рохида Бозорова" фермер хўжалигини олайлик. У "Бухоро пахта тозалаш заводи" билан 25 тонна хомашё етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузган эди. Фермер хўжалиги томонидан шартнома шартларига риоя қилинмади ва режага нисбатан 23,1 тонна ҳосил кам топширилди. Қайта ишлаш корхонаси, ўз навбатида, контрактация шартномасининг 5.2 бандига асосан фермер хўжалиги етказиб бермаган пахта хомашёсининг 25 фоизи, яъни 1783,5 минг сўм миқдоридаги жаримани ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Шунингдек, тумандаги "Руқиямомо" фермер хўжалиги ҳам "Бухоро пахта тозалаш заводи" билан 130 тонна пахта етиштириб, топшириш бўйича контрактация шартномаси тузганди. Бу хўжалик режага нисбатан 33,3 тонна кам саноат хомашёси топширди. Корхона фермер хўжалиги томонидан етказиб берилмаган ҳосил ҳисобига 2571,3 минг сўм жарима ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан "Бухородонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти ва тумандаги фермер хўжаликлари ўртасида 2006 йилда тузилган давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон харид қилиш бўйича контрактация шартномалари таҳлил қилинганда, айрим ҳолларда уларга юзаки муносабатда бўлинган, яъни, шартнома номигагина ва ҳисобот учун тузилгани аниқланди.

Хусусан, ўтган йилнинг 5 сентябрида "Бухородонмаҳсулотлари" АЖ ва тумандаги "Самадов Раҳматобод" фермер хўжалиги ўртасида давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган. Ушбу шартноманинг 7-бандидаги хўжаликнинг манзили ва банк реквизитлари қисмида муҳр ва раҳбар имзоси қўйиш билан чекланилган. Хўжаликнинг номланиши, унинг манзили, банк реквизитлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами, хўжалик раҳбарининг исм-шарифи каби муҳим маълумотлар умуман киритилмаган.

Худди шу куни "Нуриллоев Шамсиддинбой" фермер хўжалиги ҳам донни қайта ишлаш корхонаси билан контрактация шартномаси тузган. Мазкур шартномада ҳам камчиликлар борлиги аниқланган.

Афсуски, ана шу хато ва камчиликларга йўл қўйганлар эса бу ҳол келгусида шартнома бўйича юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда қатор қийинчиликларни келтириб чиқаришини ўйламаганлар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, шартнома томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи асосий ҳужжатдир. Уни тузиш ва бажаришда тарафлар ўзаро манфаатларини ҳисобга олишлари зарур. Содда қилиб айтганда, шартнома — лафз дегани. Лафзсизлик эса, ҳеч биримизга ярашмайди.

Д. СОИБОВ,
Бухоро туман прокурори.

Ифтихор

Мардлар қўриқлайди Ватанни

Азизхон ҳам акалари сингари мард, жасур ўғлонлар сафида бўлишга орзуманд эди. Баҳорги чақирувнинг илк кунларида унинг болалик орзуси ушалди. Йигитлик бурчини ўташга бел боғлаб, куни кеча хизматни ўташга жўнаб кетган 173 нафар фарғоналик ўғлон сафида Азизхон ҳам бор эди.

— Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматга жўнатилаётганлар чиққан поездларнинг изларига оналар фарёд билан ётиб олишарди, — дейди қўқонлик онахон Пўлатой Абдуллаева. - Узоққа бормайлик яқин ўтмишимизда йигитларни олис Сибирь, Узоқ Шарқ ерларига минг ҳадик билан жўнатардик. Мана бундай, шоду-хуррамлик, байрамона кайфиятда ҳам ҳарбийга кузатадиган кунлар келар экан-ку. Шунинг учун набирам Музаффаржонни йигитлик бурчини бажаришга жўнатиш учун ўзим келдим.

Дарҳақиқат, онахоннинг ғуруранганича бор. Ҳозир йигитларни ҳарбий хизматга жўнатиш тадбири илгаригилардан тубдан фарқ қилади. Тадбир чинакам байрамга айланиб кетаяпти. Чақирилувчилар бир хил кийим-бошда, тўкин дастурхон атрофида ош тортилиб, совғасалом билан хизматни ўташга кузатиляпти.

Фарғоналиклар Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига ана шундай амалий жавоб беришмоқда.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз ташаббуси билан республикамизда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури асосида Сирдарё вилоятида сўнгги йилларда анча катта миқёсда ишлар амалга оширилди. Бу борадаги энг йирик тадбирлардан бири шуки, вилоят маркази Гулистон шаҳрида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилояти бўйича филиали ташкил этилди. Ушбу филиал биратўла 200 нафар беморни қабул қилади. Марказда 10 та асосий ва ёрдамчи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Тиббий хизмат:

ЭЛ САЛОМАТ БЎЛСА БАС

Марказда бир иш вақт мобайнида 80 нафардан кўпроқ беморни қабул қилиш шароитига эга қабулхона бўлими ва тезкор энг зарур тиббий ёрдам кўрсата оладиган 5 та жарроҳлик-амалиёт хоналари мавжуд. Марказнинг барча бўлимлари юқори технологияли замонавий тиббий асбоб-ускуналар, аппаратлар билан жиҳозланган. Яқин бир замонларда, айниқса, вилоятлар шароитларида бундай юксак замонавий имкониятли шифохона бўлишини фақат орзу қилиш мумкин эди.

Ҳозирги кунда вилоятнинг шаҳарлари ва туманларида ҳам ушбу Марказнинг ихтисослашган бўлимлари ташкил топган бўлиб, уларда умумий ўринлар сони 180 тага етказилди.

Маълумки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида қишлоқ худудларидаги бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолиятини тубдан ўзгартириш вазифаси асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Худди шу мақсадда, 1996-2006 йиллар давомида Сирдарё вилоятида одатдаги, дасти қисқа «Медпункт»лар ўрнида анча кенг замонавий имкониятли 149 та қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этилди. ҚВПлар учун кенг-мўл шароитли бинолар ажратилди, янги бинолар қурилди. Уларнинг фаолияти малакали умумий амалиёт шифокорлари, аниқ ихтисосли шифокорлар ва тиббиёт ҳамширалари билан мустаҳкамланди. ҚВПларда беморлар учун стационар даволаниш шароитлари яратилди. Энг муҳими, бугунги ҚВПлар шаҳарлар ва туманлар марказидаги тиббиёт муассасаларидан қолишмайдиган даражада замонавий ташхислаш, даволаш ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда.

ҚВПлар тизимида республикамиз ҳукумати ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига биноан, «Саломатлик — 1» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа асосида 1996-2003 йиллар мобайнида вилоятда 121 та ҚВП ташкил этилиб, улар 2,6 миллион АҚШ доллари қийматидаги энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, ана шу лойиҳа асосида Гулистон шаҳри ҳамда вилоят туманларида 10 та тиббий лабораториялар ташкил этилиб, улар учун 662,8 минг АҚШ доллари қийматидаги тиббий-лаборатория жиҳозлари, реактивлар харид қилинди. Бу лабораториялар касалликни ташхислашда аниқлик ва сифатни кучайтирмоқда.

Яна бир янгилик. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида, Гулистон шаҳрида ва туман марказларида компьютерлашган ахборот марказлари ташкил этилди. Бундан ташқари, вилоят марказида ва ҳудуд шаҳарларидаги 5 та шифохона ўзларининг алоҳида компьютерлашган ахборот марказларига эга бўлди. Ушбу марказларда электрон алоқа тизими йўлга қўйилиб, вилоятда аҳоли тўғрисида тўлиқ бирламчи тиббий маълумотлар базаси яратилди.

— «Саломатлик-1» лойиҳасида, бундан ташқари, яна битта муҳим йўналишдаги вазифа белгиланган, — дейди биз билан суҳбатда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Тожиқул Бўронов. — Бу вазифа қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) учун юқори замонавий малакали умумий амалиёт врачларини тайёрлашдан иборат. Шу кунгача вилоят ҚВПларида хизмат қилаётган 160 нафар ана шундай шифокорлар Тошкент Давлат тиббиёт академиясида ва Тошкент Давлат педиатрия институти шифокорлик базаларида 10 ойлик малака ошириш курсларида таълим олдилар ва амалиётни ўтадилар. ҚВПларимиздаги умумий амалиёт врачларидан 23 нафари Эстония давлатидаги турдош тизим тажрибаларини ўрганиб қайтдилар.

Шуни айтишимиз керакки, «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича бирламчи тиббий-санитария муассасалари ислоҳоти ҳозирча, тажриба тариқасида Фарғона, Навоий ва Сирдарё вилоятларида амалга оширилди. Энди ушбу лойиҳа бўйича эришилган натижалар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ҚВПлар фаолиятига тадбиқ этилади. Республика миқёсидаги бу иккинчи босқич ислоҳотлари «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида бажарилади.

Мустақиллик йилларида Гулистон шаҳрида муҳташам Саломатлик маркази ҳам барпо этилди. Ушбу марказ 208 миллион АҚШ доллари қийматидаги Финляндиянинг «Медико-медикал» фирмаси тиббий жиҳозларини олди. Шифохонада травматология,

Ислоҳот

неврология, она ва бола саломатлиги, кардиология, диагностика бўлимлари мавжуд бўлиб, бир вақтнинг ўзида 100 нафар беморни қабул қила олади.

Маълумки, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар касалликлари ва ногиронлигининг олдини олиш, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш — аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Худди шу мақсадда вилоятда 2005 йилдан буён республика Педиатрия илмий-текшириш институти мутахассислари билан ҳамкорликда БМТ тамойилларига асосланган «Бехатар оналик» ҳамда «Кўкрак сутига дўстона муносабат» тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

— Бу борадаги ишларимиз муваффақиятидан бир далолат шуки, 2006 йилда вилоят шифохонаси акушерлик мажмуаси ЮНФПИ халқаро ташкилотининг сертификатини олди, — дейди бизга Тожиқул Бўронов.

Бу ерда «Она ва бола скрининг дастури» ҳам ибратли даражада амалга оширилмоқда. Бу борада вилоят «Скрининг» бўлими Республика «Она ва бола» скрининг маркази билан яқин ҳамкорликда иш олиб боряпти. Масалан, 2006 йилда 8670 нафар янги туғилган чақалоқлар туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликлари бўйича текширувдан ўтказилиб, 25 нафар чақалоқ Республика Скрининг маркази рўйхатига олинди. Улар ҳозирги кунда жиддий тиббий назорат шароитида даволанмоқда.

Шунингдек, вилоятда Осиё тараққиёт банки, Япония ҳукумати ва ЮНИСЕФ халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда «Анемияга қарши кураш» деб аталган икки йиллик дастур амалга оширилмоқда. Вилоят Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш махсус маркази қошида шакллантирилган Репродуктив саломатлик маркази ҳам фаол ишлаяпти. Ушбу марказда 2006 йил давомида вилоятдаги барча шаҳар, туман ва қишлоқ тиббиёт муассасаларининг 82 нафар акушер-гинеколог шифокорлари, 160 нафар доялари ўз билим-малакаларини оширдилар.

— Соғлиқни сақлаш тизимида, — дейди вилоят бош шифокори, — тиббиёт ҳамширалари ва уларнинг малакаси алоҳида аҳамият касб этади. Бугунга қадар бош ва катта ҳамшираларимиздан 62 нафари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, бир нафар тиббиёт ҳамшираси Японияда, яна бир нафари Финляндияда, тиббиёт коллежи ўқитувчи-ҳамшираларидан 5 нафари Данияда малака оширишда бўлдилар. Бундан ташқари, ҚВПларда ишлаётган 145 нафар ўрта тиббиёт ходимлари «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича «Умумамалиёт ҳамшираси» йўналишида малака оширдилар.

2006 — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да бу ердаги тиббий хизмат ҳаётида яна бир муносиб воқеа рўй берди. Гулистон шаҳрида ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашга йўналтирилган ва 540 ўқувчига мўлжалланган Тиббиёт касб-ҳунар коллежи ишга туширилди.

Вилоятда яна бир тиббий муассаса бор. Бу — 70 ўринли кўз касалликлари шифохонасидир. Ўтган йили бу даргоҳга хориждан янги жарроҳлик микроскопи ва бошқа замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Энди бу шифохона ҳам халқимизга энг юқори даражада тиббий хизмат кўрсатиш салоҳиятига эришди.

— Биз аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашнинг турли имконият ва омилларини излаяпмиз ҳамда ишга солаяпмиз, — дейди Тожиқул Бўронов. — Масалан, хусусий шифохоналар тизими ҳам шакланмоқда. 1994-2006 йилларда 52 та тиббий муассаса давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Бундан ташқари, 23 та мустақил ташкил этилган хусусий тиббий муассаса аҳолига пуллик хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 7 та даволаш — профилактика муассасалари аралаш молиялаштиришга ўтказилган. Ушбу муассасаларда 2006 йилда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш режаси асосида 234 миллион сўмга яқин даромад қилинди ва бу даромад давлат томонидан берилаётган бюджет маблағига қўшимча бўлди. Ана шу хусусий тиббиёт муассасаларига «Матлуба» масъулияти чекланган жамияти замонавий тиббий аппаратлар, асбоб-ускуналар, жумладан, компьютерли томография, УЗИ, ЭКГ, турли хил физиотерапия асбоб-ускуналарини етказиб беряпти.

Сирдарё вилоятида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол ёш авлодни вояга етказиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар ва ислоҳотларда ибратли жиҳатлар оз эмас.

Михли САФАРОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сайловлар куни маълум

Туркия президентлиги учун ўтказиладиган сайловларда «Адолат ва ривожланиш партияси» номидан мамлакат ташқи ишлар вазири Абдулла Гул ўз номзодини илгари суриши маълум бўлди. Туркия Бош вазири ҳам мазкур маълумотни тасдиқлади.

24 апрель куни мамлакат парламенти сайлов ўтказиш кунини белгилади. Номзодлар шу йилнинг 27 апрелида парламентда овозга қўйилади. Иккинчи тур 2 майда, учинчи тур 9 майда ва тўртинчи тур сайловлари 15 майда ўтказилади. Таҳлилчиларнинг фикрича, сайловларда Абдулла Гулнинг қўли баланд келиши мумкин.

Ерга ўхшаш сайёра

Астрономлар биринчи бор Қуёш тизимидан ташқарида Ерга ўхшаш сайёрани аниқлашди. Дастлабки кузатув натижаларига кўра, унинг устини сув қоплаган. У биздан 20,5 ёруғлик йили узоқликда жойлашган. Унинг топилиши олимларда Ердан бошқа жойда ҳам ҳаёт борлигига умид уйғотди. Тадқиқотчи Элисон Бойл ҳозирча ушбу сайёрага бориб бўлмаслигини билдирди.

Вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин

Россия БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Косовога мустақиллик мақомини бериш тўғрисидаги резолюциянинг қабул қилинишига йўл қўймайди. Бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Владимир Титов баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, биргина Марти Ахтисаарининг режаси асосида БМТ Хавфсизлик Кенгаши Косовонинг мақомини белгилаши тўғри эмас.

Россия ушбу масала БМТ ХКда овозга қўйиладиган бўлса, ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Битим нега тўхтатилди?

«ХАМАС» ҳаракати Исроил билан ўтган йили ноябрь ойида эришилган тинчлик битимининг тўхтатилганини маълум қилди. Исроил ҳарбийларининг Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида ўтказган навбатдаги операциялари чоғида 9 нафар фаластинлик ҳалок бўлди. Уларнинг беш нафари террорчи деб тахмин қилинган. Сешанба куни «Кассам бригадаси» гуруҳи Исроил ҳудудига ҳужум уюштирган.

Соч ошкор қилади

Буюк Британияда ҳам, одатда, бирор киши ишга қабул қилинаётганда компания раҳбари билан суҳбатдан ўтади. Бунда раҳбар, табиийки, бўлажак ходимнинг алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш-қилмаслиги билан қизиқади. Бироқ ишга кирмоқчи бўлган одам ўз айбини айтмайди, албатта. Англиядаги бир неча компаниялар ва фирмалар бўлғуси ходимнинг барча яширилган «нуқсон»ларини билиш учун унинг сочини экспертизадан ўтказиб кўришмоқда. Сабаби, соч орқали инсон туғилганидан буён қанча спиртли ичимлик истеъмол қилганини аниқлаш мумкин экан.



Бироқ иш берувчиларга ҳар бир номзоднинг сочини текширувдан ўтказавериш қимматга тушиши мумкин. Чунки бундай экпертизадан ўтказишга нақд 700 доллар атрофида ҳақ тўланаркан.

Кун тартибида Ироқ масаласи

АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс Эрон ташқи ишлар вазири Манучехр Моттакий билан юзма-юз учрашиб музокаралар ўтказиши мумкин. Бу ҳақда АҚШ Президенти Жорж Буш маълум қилди. Унинг «PBS» телеканалига берган интервьюсида таъкидланишича, учрашувда Эроннинг ядровий дастури муҳокама қилинмайди. Икки давлат расмийлари кейинги ойда Мисрда Ироқ бўйича ўтказиладиган конференция доирасида музокаралар ўтказиши кутилаяпти.

Компаниялар зарар кўраяпти

Еврокомиссия ЕИнинг 24 та аъзо мамлакатини шу пайтга қадар инвестиция механизмининг янги қоидаларини жорий этмаганликда айблаб чиқди. Мазкур қоидалар иттифоқ ҳудудида ягона бозорнинг вужудга келишига катта ёрдам бериши мумкин. Фақат Буюк Британия, Ирландия ва Руминия ушбу қоидаларни тасдиқлади. Қолган аъзо давлатлар жорий йилнинг январь ойи охирига қадар уни қабул қилишлари керак эди.

Ички бозор масалалари бўйича Еврокомиссар Чарли МакКривининг сўзларига кўра, турли суньий тўсиқлар туфайли кўплаб компания ва банклар катта зарар кўрмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) ва унинг худудий филиаллари томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

I. Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги 10-0604/2483-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек қўрғони, У.Ғуломов кўчаси, 9-уйда жойлашган 3 қаватли уйнинг 1-қаватидаги майдони 200 кв.м. бўлган савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 27 486 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 4 майдаги 10-0514/13175-сонли ва 2006 йил 25 августдаги 10-0611/5260-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2 даҳаси, 43-уй манзилида жойлашган 5 қаватли бинонинг ёнига қурилган майдони 290 кв.м. бўлган савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 49 376 800 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объектлари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 29 май ва 5, 12, 19, 26 июнь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу кўчмас мулк объектлари бўйича «Тошкент оқшоми» газетасининг 2007 йил 24 апрелдаги 77-сонида хабарномалар чоп этилган.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48.

II. РКМБ Жиззах вилояти филиали томонидан аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиззах вилоят хўжалик судининг 2005 йил 22 октябрдаги 13-0506/8896-сонли буйруғига асосан хатланган, «Ғаллаорол ИИЧ агрофирмаси»га тегишли, Ғаллаорол шаҳри, «Ғўбдин» ҚФЙ, Лалмикор қўрғонида жойлашган:

1. 1985-1990 йилларда ишлаб чиқарилган, таъмирталаб, қуйидагилардан иборат бўлган асосий воситалари (4 дона ОС-4,5 (МС-4,5) ускунаси, ЗМ-60 ғалла ортиш ускунаси, 4 дона Пектус К-531 ускунаси, 10 тоннали тарози, ЗАВ-40 (ЗАВ-10) ғалла тозалаш ускунаси, ЗМ-40 конвейери, ОВС-25 ғалла тозалаш ускунаси ва ҳаво сепаратори).

Бошланғич баҳоси — 47 852 000 сўм.

2. 1976-1996 йилларда қурилган, умумий қурилиш майдони 5778,43 кв.м.га тенг, қуйидагилардан иборат бўлган бино-иншоотлар (1-омборхона, 2-омборхона, 3-омборхона, айвон (бостирма) Г, айвон (бостирма) Г2, лаборатория, тарозибонлар хонаси ва айвон (бостирма) Р, ошхона, устахона (машина бўлими), беда уруғини тозалаш ва сақлаш омбори, қоровулхона ва асфальт-бетон майдони).

Бошланғич баҳоси — 20 456 272 сўм.

Жиззах вилояти Дўстлик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2006 йил 25 майдаги 13-0603/6480-сонли буйруғига асосан хатланган, «Дўстлик пахта тозалаш» АЖга тегишли, Дўстлик шаҳри, Ҳамза кўчасида жойлашган кўчмас мулклар:

1. Ётоқхона биноси, 1979 йилда қурилган, икки қаватли, умумий қурилиш майдони 360 кв.м., фойдаланишга яроқли.

Бошланғич баҳоси — 26 719 436 сўм.

2. Маъмурий бино, 1975 йилда қурилган, умумий қурилиш майдони 575 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 66 080 146 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 23, 30 май ва 6, 13, 20 июнь кунлари соат 11.00 да ушбу асосий воситалар ва кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган асосий воситалар ва кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Ушбу асосий воситалар ва кўчмас мулк объектлари бўйича «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» газеталарининг 2007 йил 21 апрелдаги 33 (4691)-сонида хабарномалар чоп этилган.

Аукцион савдолари Жиззах вилояти, Жаззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уйда жойлашган савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Жиззах вилояти филиалининг АТ «Ипотекабанк» Сангзор филиалидаги МФО 00834, ИНН 200933850, 20210000000571452050 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй, РКМБ Жиззах вилояти филиали. Телефонлар: 222-35-77, 222-34-16, 771-65-90.

III. РКМБ Фарғона вилояти филиали томонидан аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

Фарғона вилояти Учкўприк тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Данғара тумани судининг 2006 йил 8 январдаги 01-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учкўприк тумани, Сариқўрғон қишлоғида жойлашган дам олиш оромгоҳи бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 33 336 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 17, 22, 25, 31 май ва 15 июнь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объекти билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Ушбу кўчмас мулк объекти бўйича «Фарғона ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 21 апрелдаги сонида хабарнома чопэтилган.

Аукцион савдолари Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 35-уйда жойлашган «Фарғона биржа маркази»нинг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилояти филиалининг «Халқ банки»нинг Фарғона вилояти амалиёт бўлимидаги МФО 00497, ИНН 200933852, 20210000700571452023 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 35-уй, РКМБ Фарғона вилояти филиали. Телефонлар: 229-85-90, 224-68-70.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу ерга келган кишининг, аввало, орасталикдан дили яйрайди. 8-сонли оилавий поликлиника, спорт соғломлаштириш мажмуаси ва маҳалла гузари уйғун бир кўриниш ҳосил қилган.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТ

Ҳудуддаги 13-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция капитани Ботир Каримжоновнинг айтишича, маҳалла фаоллари билан биргаликда тузилган иш режасига асосан ўтказилаётган турли тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

— Маҳалламизда уч мингга яқин киши истиқомат қилади, — дейди Б.Каримжонов. — Шунинг ярми аёллардир. Минг нафардан кўпроқ вояга етмаганлар бор. Аҳоли ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларининг мунтазамлигига эътибор қаратганмиз. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун "Журжоний" спорт соғломлаштириш мажмуасида барча шароитлар мавжуд. Мана, масалан, Зариф Йўлдошевни олайлик. Яқинда унинг Фарғона тумани ҳудудидаги хилват гўшалар бўйлаб қўшни Қирғизистон Республикаси томон оғир-вазмин ҳаракатланаётган "Дамас"и тўхтатиб текширилганида, салонида 750 килограмм маъданли ўғит борлиги аниқланди.

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилган. Соҳа вакилларининг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимояланган. Айни чоғда, сохта ишбилармонлик ва хуфёна фаолият юритиш қатъий тақиқланган. Афсуски, пастдарғомлик Нодира Баҳриева буни яхши англаб етмаган кўринади. Акс ҳолда, аёл боши билан ўз хонадонида қўлбола спиртли маҳсулотлар тайёрлаб сотишни авж олдирмаган бўларди. Оқибатда эса, Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари бошқа масъул идоралар вакиллари иштирокида текширув ўтказишганида, унинг хонадонида ароқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган яширин цех мавжудлиги аён бўлди. Бундан ташқари, умумий қиймати қарийб 500 минг сўмлик уч юз тўқсон тўрт шиша ясама ароқ, 3000 дона қопқоқ, бир ярим мингтадан зиёд қалбаки акциз маркалари ҳамда алкоголли маҳсулотлар тайёрлашда асқотадиган асбоб-ускуналар топилди.

Нурбек САЛОМОВ,
Давлат Божхона қўмитаси матбуот хизмати ходими.

Қилмиш-қидирмиш

ҚИНҒИРЛИКНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

Мамлакатимиз божхона органлари турли-туман товар-моддий бойликларнинг юртимизга контрабанда йўли билан кириб келишига қарши кескин курашиш ва ички истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш борасида кенг кўламдаги ишларни амалга оширмоқдалар. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда тезкор тадбирлар ўтказиб, ўзимизда ишлаб чиқарилган харидоргир маҳсулотларнинг ноқонуний равишда четга олиб чиқиб кетилиши олдини олмоқдалар. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин.

Яқинда "Тошкент" халқаро аэропорти божхоначилари "Истамбул — Тошкент" йўналиши бўйича қатновчи самолётда учиб келган йўловчиларни жорий тартиб-қоидага биноан назоратдан ўтказдилар. Шу асно С.Акбарова, М.Назарова, Р.Жатаева сингари юртдошларимиз ҳамда Тожикистон Республикаси фуқароси Н.Қурбоновларнинг ноқонуний қилмишларига чек қўйдилар. Аниқланишича, бу шахслар божхона баённомасида кўрсатилмаган ва оғзаки сўров вақтида айтилмаган умумий қиймати 54 миллион сўмлик уч ярим килограммдан ортиқ заргарлик буюмларини ўзлари билан яширинча юртимизга олиб кирмоқчи бўлган эканлар. Божхоначиларнинг ҳушёрлиги туфайли уларнинг ғараз ниятлари барбод бўлди.

Худди шунга ўхшаш қонунбузарлик Фурқат тумани ҳудудида ҳам кузатилди. Тожикистон тарафдан айланма йўллар орқали Фарғона сари "тижорат сафари"га отланган ҳайдовчи хорижда ишлаб чиқарилган, жами баҳоси 15 миллион сўмга яқин 50 минг қути "Астра" сигареталарини ўзи бошқараётган "Мерседес — Бенц" русумли автомобилга расамади билан жойлаштирган экан. Аммо уларни қонунан ҳужжатлаштириш зарурлигини, бильакс, қинғирликнинг йўлдоши жазо бўлиб чиқишини хаёлига ҳам келтирмаган экан. Пировардида хизмат вазифасини ўтаётган "Андархон" пости божхоначиларига рўбарў келгани ҳамоно нима қиларини билмай довдираб қолди. Кейин эса осон йўлни танлади. Машинаси ва "саломатлик кушандалари"ни тўхтаган жойида қолдириб, ими-жимида жуфтакни рростлади. Айни кезларда қочоқ ҳайдовчининг шахсини аниқлаш юзасидан тезкор қидирув ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Яхши биласиз, маъданли ўғитлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим гарови ҳисобланади. Уларга ўзимизда ҳам, четда ҳам эҳтиёж катта. Айрим кишилар эса бу вазиятдан ўзларича унумли фойдаланиб, мўмай даромад орттиришга интилмоқдалар. Бироқ охир-оқибат қўлга тушиб, уятдан ер чизиб қолмоқдалар.

Нурбек САЛОМОВ,
Давлат Божхона қўмитаси матбуот хизмати ходими.

Футбол

Чорак финал йўлланмаси деярли нақд

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичида иккинчи давра ўйинлари бошланди.

Эслатиб ўтамиз, фақат гуруҳ ғолибигина чорак финал йўлланмасини қўлга киритади. "С" гуруҳида қатнашаётган Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси ўз майдонида Қатарнинг "Аль-Садд" жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Ушбу муваффақиятдан сўнг очколарини 9 тага етказган ҳамюртларимиз чорак финал йўлланмасини деярли ҳал қилишди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

BELARUS
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
Маҳсулот сертификатланган
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

«Parvina-Quruvchi PVS» МЧЖ ва «Sino» ОАЖ
сизнинг эътиборингизга замонавий технология бўйича тайёрланган, тез суръатда йиғилиб, қисқа муддат ичида ишга туширишга мўлжалланган, металлопластикдан тайёрланган
павильонлар конструкцияларини таклиф этади.
Замонавий технология бўйича тайёрланган павильонлар буюртмачининг хоҳишига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаларида, яъни савдо шохобчаси, маркет, ошхона, кафе, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш устахонаси, уяли телефон компаниясининг уланиш ва тўловни амалга ошириш шохобчаси, шунингдек, иссиқхона ва парранда фермаси ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиладиган хоналарга айлантирилиши мумкин. Конструкциялар ҳаво ҳароратини совутишда, хонани иситиш ва совутишда электр қувватини тежашга кафолат беради.
Шунингдек, ўз хусусиятлари билан металлдан қолишмайдиган, ўта технологик, оғирлиги енгил бўлган, янги технология бўйича ПВХдан тайёрланган, томларни ёпиш материали сифатида ишлатиладиган махсус пластикни таклиф этади.
Баҳоси — монтаж ишлари билан 1 кв. м. учун 9000 сўм ва ундан юқори. Кафолат — 20 ой.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш., Спитамен шоҳ кўчаси, 270-уй.
Тел.: 8 (366) 221-41-21, 222-43-68.
E-mail: parvina-pvs@rambler.ru
www.parvina.uz

SiRUBA
ПОД ЗАКАЗ
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
184-83-25 184-83-26 142-77-03

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
Маҳсулот сертификатланган
Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли
ГАЗ-31105, «ВОЛГА»
ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"
Маҳсулот сертификатланган
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли
ГАЗ-3307 Автоэвакуатор
ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА
АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА
ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

«Ўзулгуржисавдо» АК жамоаси компания раисининг муовини Жуманазар Қурбоновга волидаи муҳтарамаси
ЗАЙНАБ онанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси Китоб сақлаш бўлимининг кутубхоначиси Саодат Муродбековага падари бузруквори
ОЛТИБОЙ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 2.20 Топширилди — 2.30 23456